

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ХУСАН АБДУРАХИМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ
ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Умаров Хусан Абдурахимович

Инновацион ҳамкорлик асосида талабаларнинг касбий педагогик
тайёргарлигини ривожлантириш..... 3

Умаров Хусан Абдурахимович

Развитие профессионально-педагогической подготовки студентов на
основе инновационного сотрудничества..... 24

Umarov Khusan Abdurakhimovich

Development of professional pedagogical readiness of students on the basis
of innovative cooperation 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ХУСАН АБДУРАХИМОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ
ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертационен мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2752
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Ҳимматалшев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Жўраев Хусниддин Олтинбоевич
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27»
октябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор
тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86, e-mail:
tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (1435 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс:
(+99871) 276-80-86.)

Диссертация автореферати 2021 йил «14» октябр куни тарқатилди.
(2021 йил «14» октябр даги 29 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Г. Исянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий кенгаши, п.ф.д., доцент

С.С.Булатов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида турли ҳамкор ташкилотлар билан инновацион ҳамкорлик асосида талабаларнинг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантиришни креатив технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилиб янги таълим муҳити ташкил этилмоқда. Бўлажак технология ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришнинг самарали механизмларини жорий қилиш, педагогик-психологик компетенцияларини ривожлантириш, касбий сифатларнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий педагогик тайёргарлигини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини ривожлантиришнинг дидактик параметрларини такомиллаштириш, педагогик имкониятларини кенгайтириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг (гностик, конструктив, лойиҳавий, ишлаб чиқариш-технологик) компонентларини ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш, касбий сифатларни ривожлантиришнинг интенсив технологиялари самарадорлигини ошириш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди ва унга кўра, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ташкил этилди. Натижада, мазкур соҳага ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда ахборот-таълим муҳитини жорий этиш, касбий сифатларни ривожлантиришни таъминловчи моддий-техник база яратиш, ўқув-методик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш метод ва воситаларини такомиллаштириш ва жорий этишга шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплами – Т.: 2017 – б.37.

тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш, уларда касбий ва шахсий сифатларни шакллантириш муаммолари Б.С.Абдуллаева, Ш.С.Абураимов, А.И.Авазбоев, М.Джораев, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятлов, З.К.Исмоилова, Р.Г.Исянов, Ш.Э.Курбанов, О.А.Қўйсинаев, Р.Г.Муллахметов, Н.А.Муслимов, Д.Н.Маматов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразова, Д.О.Химматалиев, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шариповлар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг назарий жиҳатларини Н.В.Кузьмина, П.И.Пидкасистий, В.А.Сластенин; касбий тайёрлаш технологиясини В.И.Андреев, В.П.Беспалько, Г.К.Селевко, Н.Е.Шчуркова; шахслараро муносабатлар масалаларини Г.М.Андреева, А.А.Бодалев, Я.Л.Коломенский, И.Л.Лернер, А.В.Мудриклар ўрганган. К.А.Абульханова-Славская, Г.И.Аксенова, А.А.Деркач, Е.А.Климов, А.К.Маркова, В.Д.Шадриковлар томонидан субъект фаолияти ва касбий шаклланиш жараёнининг детерминант омиллари ва босқичлари; Б.Г.Ананьев, А.Г.Асмолова, Э.Ф.Зеер, Б.М.Теплов, В.Д.Шадриковлар томонидан эса, бўлажак мутахассисларда касбий аҳамиятга эга муҳим шахсий сифатларнинг шаклланиши, касбий тайёргарликни оптималлаштириш касбий таълим контекстида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакат олимлари М.Goldschmidt, P.B.Goldschmidt, G.Owens, J.D.Russellлар ўқитувчиларда касбий сифатларни шакллантиришнинг жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2017-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технология ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлиги мазмунига қўйилаётган малака талабларини такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик, психологик жиҳатларини таҳлил этиш;

инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик моделини такомиллаштириш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган адекват инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш, таълим жараёнига жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш жараёни бўлиб, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Наманган давлат университетлари танлаб олинди, ҳамда 415 нафар талабалар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технология ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни, методи, шакли ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, фалсафий, социологик, педагогик-психологик, дидактик материаллар, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; мониторинг, математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассалари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг (мотивацион, коммуникативлик, конструктивлик, ташкилотчилик, бошқарувчилик, креативлик, ишлаб чиқариш-технологик каби) касбий педагогик ва технологик билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув фаолиятдаги касбий компетенциялар ва касбий квалификациялар бўйича малака талаблари амалий-фаолиятли ҳамда мотивацион-қадриятли ёндашувлар ҳамда инновацион ҳамкорликга устиворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

инновацион ҳамкорлик асосида талабаларни касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш модели мотивацион-қадриятли, амалий-

фаолиятли, рефлексив-баҳолаш компонентлар, ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик жараёнларнинг ўзгарувчан шароитга тез мосланувчан фаоллик, мустақиллик, компетентлик, аниқлик, ижодий йўналганлик, ўз-ўзини бошқариш сифатларини технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув, тарбиявий, илмий ва ишлаб чиқариш вазифаларига интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий педагогик компетенцияларини ривожлантириш методикаси “Problem education”, “Case-study”, “Role play games” ривожлантирувчи тренинглари, Smart technology дискуссия, дебат, эксперт билан интервью, ТВ интервью, бинар таълим, мастер класс, тажриба алмашиш, доклад, протокол интерфаол методларни ўзида мужассамлаштирган “Мақсад учун 11 қадам” технологияси уйғунлигида ўқитишнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожланганлик даражаси (репродуктив, продуктив, креатив), мезонлари (мотивацион, когнитив, амалий ва рефлексив) ва кўрсаткичлари креатив характеридаги мантиқий фикрлашга ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи дидактик топшириқлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини босқичма-босқич ривожлантириш методикаси лойиҳалаш, изланиш, Research technologies (Case study, Brainstorm, Experiment, Role play games), Problem education technologies (Problem story, Partial research, Heuristic discussion), «Project method» технологияси, ахборот-коммуникация технологиялари, ҳамкорлик педагогикаси, ўқитишнинг жамоавий усулларининг самарали дидактик имкониятларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни ва методлари, дастурий ва методик таъминоти ижодий йўналганлик, компетентлик, креативлик, фаоллик ва ўз-ўзини бошқариш, педагогик рефлексия тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

креатив характеридаги топшириқлар (фикрлаш) асосида шакллантириш ҳамда педагогик ва технологик тайёргарлигини ривожланганлик даражаси (репродуктив, продуктив, креатив), мезонлари (мотивацион, интеллектуал, амалий ва рефлексив) ва кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосида касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган ташкилий-педагогик модель такомиллаштирилган;

“Касбий компетентлик” фани ҳамда “Технология ва дизайн”, “Техник ижодкорлик ва дизайн” мутахассислик фанлари мазмуни ва методлари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган амалий-фаолиятли, рефлексив-коррекцион ёндашувларни лойиҳалашни тадбиқ этиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда касбий педагогик тайёргарлигини ривожланиш жараёнини амалда назорат қилиш имконини берадиган мезонлар (мотивацион, интеллектуал, амалий ва рефлексив) ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, баҳолаш восита сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган педагогик йўналганлик, компетентлик, фаолиятлилик, креативлик, фаоллик ва ўз-ўзини бошқариш, педагогик рефлексия каби касбий компетенциялари расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатида киритилган ва бошқа хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш учун таклиф этилган инновацион ҳамкорлик таълим муҳити, инновацион таълим технологиялари, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, модель ва ўқув-услубий тавсиялардан умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда фойдаланиш, педагогик йўналганлик кўрсаткичларининг моделлаштириш, тизимли-ижодий даражаларига устуворлик бериш орқали компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган илмий-методик таъминот билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида технологик таълим йўналиши мазмунини такомиллаштириш, бўлажак технологик таълим ўқитувчилари касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг (мотивацион, коммуникативлик, конструктивлик, ташкилотчилик, бошқарувчилик, креативлик, ишлаб чиқариш-технологик каби) касбий педагогик ва технологик билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув фаолиятдаги касбий компетенциялар ва касбий квалификациялар бўйича малака талаблари амалий-фаолиятли ҳамда мотивацион-қадриятли ёндашувлар ҳамда инновацион ҳамкорликга устуворлик бериш асосида илгари сурилган тавсиялар ИТД-1-48 рақамли “Республика инновацион иқтисодиётни шакллантиришда таълим турлари ўртасидаги интеграцияни модернизациялаш ва самарадорликка эришиш” мавзусидаги амалий илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 89-03-265-сон маълумотномаси).

Натижада, таълим мазмунидаги узвийлик ва узлуксизлиги таъминланган, ҳамда ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллаштиришга эришилган;

инновацион ҳамкорлик асосида талабаларни касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш модели мотивацион-кадриятли, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш компонентлар, ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик жараёнларнинг ўзгарувчан шароитга тез мосланувчан фаоллик, мустақиллик, компетентлик, аниқлик, ижодий йўналганлик, ўз-ўзини бошқариш сифатларини технологик таълим ўқитувчиларининг ўқув, тарбиявий, илмий ва ишлаб чиқариш вазифаларига интеграциялаш асосида такомиллаштиришга оид тавсияларидан ИТД-1-48 рақамли “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 89-03-265-сон маълумотномаси) Натижада, олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари, мазмуни такомиллаштириш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларининг касбий педагогик компетенцияларини ривожлантириш методикаси “Problem education”, “Case-study”, “Role play games” ривожлантирувчи тренинглари, Smart technology дискуссия, дебат, эксперт билан интервью, ТВ интервью, бинар таълим, мастерклас, тажриба алмашиш, доклад, протокол интерфаол методларни ўзида мужассамлаштирган “Мақсад учун 11 қадам” технологияси уйғунлигида ўқитишнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш асосида илгари сурилган тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 89-03-265-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг инновацион таълим муҳитида касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга хизмат қилган ва мутахассислик фанлари (“Касбий компетентлик”, “Технология ва дизайн”, “Техник ижодкорлик ва дизайн”) фан дастури мазмунига сингдирилган, ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожланганлик даражаси (репродуктив, продуктив, креатив), мезонлари (мотивацион, когнитив, амалий ва рефлексив) ва кўрсаткичлари креатив характеридаги мантикий фикрлашга ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи дидактик топшириқлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ИТД-1-48 рақамли “Республика инновацион иқтисодиётни шакллантиришда таълим турлари ўртасидаги интеграцияни модернизациялаш ва самарадорликка эришиш” мавзусидаги амалий илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 89-03-265-сон маълумотномаси). Натижада, таълим жараёнини инновацион ҳамкорлик асосида ўзаро узвий алоқаддорликда илмий ва тизимли ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштириш орқали бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (3 та республика ва 5 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий сифатларни шакллантириш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилинган, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг индивидуал психологик хусусиятлари ҳамда касбий сифатлари тузилмаси асослари баён этилган.


Миллий таълим муаммоларини ҳал қилиш олий таълим тизимини бошқаришнинг янги стратегиясини шакллантиришни, унинг ривожланиш мақсадлари ва устувор йўналишларини мамлакатнинг ривожланиш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, олий таълим тизимидаги ўзгаришларни ҳар томонлама прогноз қилишни талаб этади. Бу эса, ҳозирги кун муаммоларни тизимли ва ҳар томонлама таҳлил этишни талаб этади.

Талаба шахсини касбий тайёргарлигини шакллантириш муаммолари бўйича Ш.С.Абдураимов, А.И.Авазбоев, Н.Ш.Азимов, Н.А.Муслимов, А.З. Шарипов, Ш.С.Шарипов, У.А.Ўринов, Н.А. Банко, В.С.Кузнецов, В.Н.Петровалар ишлари, олий таълимда ўқув (педагогик) амалиётларини ташкил этиш жараёнлари таҳлили, бизга талабаларнинг касбий педагогик фаолиятига тайёргарликларини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Шу билан бирга шуни таъкидлаш керакки, касбий

тайёргарлик муаммосини таҳлил этиш жараёнишда унинг таркибий қисмларидан бири бўлган таълим жараёни давомида олинган билимларни амалиётда қўллаш қобилияти эканлиги, мазкур соҳада баъзи номутаносибликлар мавжудлиги аниқланди.

Ҳеч бир соҳа ўзи мустақил равишда ривожланиб, бошқа соҳалар билан ҳамкорлик қилмасдан “резонанс эффекти”га эриша олмайди. Таълим тизими ҳам бундан мустасно эмас. Унга таъсир этувчи омиллар сифатида фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини келтириш мумкин.

Ушбу шароитда таълим муассасалари, иш берувчилар уюшмалари, ишчилар уюшмалари, бандлик хизматларининг, яъни нафақат ўқув юртининг “маҳсулотларини” истеъмолчиси, балки унинг молиявий фаровонлигининг манбаи бўлганларнинг барчаси ўртасидаги муносабатларнинг янги тизими долзарб бўлиб қолмоқда. Тадқиқотимиз доирасида мазкур масалани таҳлил этиш асосида олий таълим муассасалари ҳамкор ташкилотлар билан амалга ошириладиган ўзаро манфаатли ва самарали инновацион ҳамкорлик тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Олий таълим муассасаларининг ҳамкор ташкилотлар билан амалга ошириладиган ўзаро манфаатли ва самарали инновацион ҳамкорлик тузилмаси

Бунда олий таълим муассасалари етиштириб чиқараётган кадрлар сифатидан ҳамкор ташкилотлар ҳам манфаатдор. Педагогик таълим муассасалари талабалари яъни бўлажак ўқитувчилар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётларини ўташ масканлари бир вақтнинг ўзида мазкур кадрларнинг келажақдаги иш берувчилари ҳисобланади. Мазкур “ҳамкор ташкилотлар” бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга ҳар томонлама тайёр бўлишида муҳим роль эгаллайди ва бевосита иштирок этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий таълим тизимларининг фаолияти ва ундаги ислоҳотлар тажрибаларини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида замон талабларига мос келувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муаммоларини ҳал қилишнинг асосий йўналиши бу бутун дунёда кенг қўлланилувчи таълим тизимининг, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш усуллари эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш имконини берувчи ягона таълим маконини шакллантиришга йўл очиб беради. Мазкур жараёнда барча тизимлар бирдек фойдаланиши мумкин бўлган моддий техник база, фан ютуқлари, янги технологиялар (шу жумладан, таълим технологиялари) ва инсон ресурслари алмашинуви амалга оширилади.

Мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлиги жараёнлари ғарб мамлакатларидаги каби фаол ривожланмаётганининг сабаби, Олий таълим муассасаларининг бозор шароитларига аста-секин мослашиши, фан ва ишлаб чиқаришнинг талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини етарлича қондира олмаётганлигида деб ўйлаймиз. Илмий ташкилотлар ҳанузгача амалий тадқиқотларга эмас, балки фундаментал ишларга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Бундай тадқиқотлар фаннинг янги қирраларини очиш ва фаннинг умумий ривожланиши учун муҳим бўлишига қарамай, улар ишлаб чиқариш ва фан ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшмайди. Ишлаб чиқариш корхоналари кўпинча қисқа муддатли истиқболда фойда олишни кўзлайдилар, фан ва таълим билан стратегик шерикликка кам қизиқиш билдирмоқдалар. Уч томонлама ҳамкорлик индивидуал тузилмалар (фан, таълим, ишлаб чиқариш) ўртасида ўзаро амалга оширилади ва инновацион ҳамкорликни ривожлантириш юқорида кўрсатилган ҳар бир муассасада мавжуд бўлмаган алоқаларни "қуриш" тамойили асосида амалга оширишни талаб этади. Шундай қилиб, ташкилотлар (аксарият ҳолларда ҳамкорлик орқали инновацион ривожланиш зарурлигини тан оладиган йирик ташкилотлар) ўзларининг таълим тузилмаларини (ўқув марказлари, корпоратив университетлар ва бошқалар) қуриш орқали ўз ходимларини ўқитиш муаммоларини ҳал қилмоқдалар ва натижада университетлар билан институционал алоқалар жуда кам роль ўйнамоқда. Худди шу тарзда, улар инновация муаммосини ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилишади. Одатда, илғор ташкилотлар ўзларининг илмий-тадқиқот бўлимларини очадилар ёки импорт қилинган технологиялар ва ускуналарни сотиб олиб, ўзларининг ишлаб чиқаришларини модернизация қиладилар. Бу вақтда университетлар

ўзларининг ишлаб чиқариш корхоналарини, илмий ташкилотларни, таълим ва тадбиркорлик тузилмаларини яратадилар.

Буларнинг барчаси, таълимда ҳамкорлик масалаларини таҳлил қилишни, таснифлашни ва жараёнларни малакали кузатишни, муаммоларни аниқлашни, илмий асосланган башоратларни ишлаб чиқишни ҳамда самарали ечимлар таклиф этишни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Инновацион ҳамкорлик муҳиtida технологик таълим ўқитувчиларини касбий педагогик компетенцияларини ривожлантиришнинг мазмуни, методи, шакли ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий педагогик компетенцияларни ривожлантиришга оид ёндашувлар, касбий педагогик малака талаблар мазмуни ишлаб чиқилган, технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик компетенцияларини ривожлантириш методикаси баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини инновацион ҳамкорлик асосида ривожлантириш, талабаларнинг касбий педагогик тайёргарлигини мақсадли шакллантириш учун потенциал имкониятини яратишга қаратилган ўқув материалларини тайёрлашни ва талабаларнинг ўқув жараёнининг барча таркибий қисмларини максимал даражада фаол ўзлаштиришига, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, янги билимларни мустақил ўзлаштиришга таъсир этувчи ташкилий шакл, метод ва усулларни тайёрлашда фойдаланишни талаб қилади. Ўқув материаллари таркибини тизимли равишда тайёрлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади: тизимли таҳлил қилиш, моделлаштириш, синтез қилиш, ўқув материалларининг ўзгармас ва ўзгарувчан таркибий қисмларини ажратиш ва башорат қилиш.

Касбий тайёргарлик – бу фаол ва мақсадли фаолият бўлиб, бу жараёнда мавжуд ва янги олинган маълумотларни қайта ишлаш, ташқи тасодифий, иккиламчи элементларни асосий, ички қисмдан ажратиш, ўрганилаётган вазиятларнинг моҳиятини акс эттириш, улар орасидаги мантиқий алоқаларни очиш амалга оширилади.

Касбий тайёргарлик деганда киши психик (идрок) ҳолати ва жисмоний соғломлигининг тегишли даражаси бажариладиган иш-фаолият талабларига мос келиши тушунилади. Таниқли психолог-олим К.К.Платонов таъкидлаганидек, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги шахснинг субъектив ҳолати бўлиб, у ўзини тегишли касбий фаолиятни бажаришга қобилиятли ва тайёр деб ҳисоблашини билдиради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, касбий тайёргарлик – маълум бир фаолият соҳасида ишлашга имкон бериш мақсадида, талабалар томонидан муайян иш ёки ишлар гуруҳини бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни жадаллаштиришга қаратилган ўзлаштириш жараёнидир.

Баъзида касбий тайёргарлик тушунчаси натижаси касбий компетентлик билан белгиланади, бу умумий маънода касбга тайёрликни шакллантириш, меҳнат вазифаларини бажаришга барқарор йўналтиришдир. Касбий

компетентлик – бу нафақат натижа, балки технологик ва педагогик таълим мазмунини муайян тизимлаштириш орқали амалга ошириладиган ва тўрт таркибий қисмга эга бўлган касбий тайёргарликнинг мақсадидир.

Ўқитувчининг компетентлигини унинг тайёрлиги омили (фактори) сифатида қараб, уни тайёрлик ва касбий педагогик фаолиятни амалга ошириш қобилияти деб белгиладик. Бундай талқин бизга "касбий педагогик тайёргарлик" ва "касбий педагогик компетентлик" тушунчаларини синоним сифатида талқин этиш имконини беради.

Технологик таълим йўналиши талабаларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш сифати кўплаб омилларга боғлиқ: ўқув-методик ҳужжатлар; илмий ва педагогик салоҳият; моддий техник база; таълим жараёнини тўғри ташкил этиш ва бошқариш.


Стратегик жиҳатдан инновацион тизимларни яратиш янада истиқболли бўлиб, унинг кучли томони шундаки, иштирокчиларнинг ҳар бири ўзларининг асосий компетенцияларини инвестициялашади. Университетлар, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бири билан ҳамкорлик қилишга тайёр эмаслиги ва баъзан истамасликлари натижасида иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига йўналтирилган муассасалараро комплексларни яратувчи ўзаро таъсирнинг янада янги сифат босқичи даражасига чиқиш имконини бермайди. Ҳозирги вақтда уч томонлама ҳамкорликнинг фақат саноклигина муваффақиятли ҳолатлари мавжуд.

Ҳамкорлик – бу фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир томони учун объектив фойдали бўлган жараёндир. Бироқ, бугунги кунда ҳар бир томон бошқа томоннинг ҳаракатларини ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилмоқда. Шундай қилиб, университетлар ўзларининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлашга, моддий базани ва ўқув жараёнини ҳамкорлар ҳисобига янгилашга, бизнес эса узоқ муддатли инвестициялардан "қочишга" ва тайёр илмий натижаларни энг тежамкор усулда олишга интиладилар. Илмнинг мавқеи бошқа иккита ҳамкорларига боғлиқ. Унинг учун университетлар кадрлар потенциалини тўлдириш манбаи ва унинг маҳсулотларини истеъмолчиси, бизнес эса илмий маҳсулотларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади.

Амалиётда ҳамкорлик турли шаклларда намоён бўлиб, ғарбнинг ривожланган мамлакатларида кенг тарқалганлари: технопарклар; янги технологияларнинг инкубаторлари; инновация ва технология марказлари; лицензиялаш ва сертификатлаш марказлари; лизинг ва маркетинг соҳалари доирасида ташкил этилган инновацион саноат комплекслари; илмий ва ўқув мажмуалари; корпоратив университетлар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро таъсири хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимларининг кўп босқичли моделлари ва хоказо.

Бу йўналишлар таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун миллий инновацион тизимларнинг таркибий элементлари ролини ўйнайди. Сўнгги ўн йилликдаги маҳаллий олий таълимнинг ўзига хос хусусияти таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ягона соҳага йўналишидаги инновацион

ассоциатив, кўп қиррали фаолиятга асосланган таълим тизимини ташкил этилиши ва ривожланиши эканлиги аниқланди.



2-расм. Инновацион ҳамкорлик асосида талабаларни касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш модели

Тадқиқот доирасида олиб борган изланишлар технологик таълим йўналиши талабаларини тайёрлашда таълим дастурлари мазмуни асосидаги касбий ривожлантириш тизими билан амалий фаолият ҳамда таълим муҳити ўртасидаги ўзаро таъсирлашув механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Шунга кўра, инновацион ҳамкорлик асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштирилган модели (2-расм) ишлаб чиқилди.

Инновацион ҳамкорлик муҳитида “Касбий компетентлик” фанини ташкил этиш “Мақсад учун 11 қадам” муаллифлик технологияси асосида олиб борилади. Унга кўра фанни ўқитишнинг барча шакллари кетма-кет давом этувчи аниқ белгиланган 11 қадамдан иборат бўлиб, ўз ичига талабаларнинг касбий педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим компонентларини тўлиқ қамраб олади.

Касбий компетентлик фанини “Мақсад учун 11 қадам” муаллифлик технологияси ёрдамида ташкил этишнинг ўзига хослиги шундаки, талабалар 4 қадамдан иборат назарий машғулотлар блокида нафақат тайёр билимларни ўрганадилар, балки катта ҳажмдаги ахборот ичидан керакли маълумотларни ажратиб олиш, уларни қайта ишлаш ва билимларни шакллантира олиш кўникмаларига эга бўладилар. Бунда:

1-қадам: рефлексия босқичи ҳисобланиб, аввалги мавзу бўйича назарий маълумотларни такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш ишлари савол-жавоб, блиц сўров, БББ каби методлар орқали амалга оширилади.

2-қадам: янги мавзуни баён қилиш босқичи ҳисобланиб, талабаларда янги мавзу бўйича билимлар шакллантирилади. Бунда асосан ҳикоя, баён, сахна кўриниши, эксперт билан интервью, ТВ интервью, бинар таълим, мастер класс, тажриба алмашиш каби методлар қўлланилади.

3-қадам: анализ ва синтез босқичи ҳисобланиб, мавзу (бўйича олинган маълумотлар)ни анализ қилиш: ташкил этувчилари ва асосий компонентларини ажратиб олиш ҳамда таҳлил қилиш, ундан сўнг аналитик маълумотларни синтез қилиш, ахборотдаги маълумотларни (фактларни) тизимлаштириш, ўзаро алоқалари, сабаб-оқибатларини аниқлашга қаратилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун дискуссия, дебат муҳокама, ва бошқа анализ ва синтез методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4-қадам: хулоса босқичи бўлиб, олинган хулоса, қабул қилинган қарор ва ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш, визуал тарзда акс эттириш ишлари плакат ва тақдимот тайёрлаш, доклад, протокол методлари орқали амалга оширилади.

Семинар машғулотлари блокида талабалар томонидан маъруза ва мустақил таълим жараёнида ўзлаштирилган билим ва шакллантирилган кўникмалар тўғрилигини аниқлаш, хато-камчиликларни бартараф этиш ҳамда мустаҳкамлашга, реал воқелик билан солиштириш орқали назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш, соҳа мутахассислари билан мулоқотда бўлиш ва устоз-шогирд муносабатларини йўлга қўйиш имконига эга бўладилар. Бунинг учун аввалги назарий машғулотлар блокидаги 4 қадамнинг давоми ҳисобланган,

махсус 4 қадамдан иборат жараёнлар ажратилган бўлиб, улар қуйидагича ифодаланади:

5-қадам: рефлексия босқичи ҳисобланиб, маруза машғулотларида ўтилган ёки семинар машғулотларидаги аввалги мавзу бўйича назарий маълумотларни такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилади.

6-қадам: мазмун муҳокамасига қаратилган бўлиб, унда мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим ва шакллантирилган кўникмалар тўғрилигини аниқлаш, хато-камчиликларни бартараф этиш ҳамда мустаҳкамланади. Бунинг учун баён, намоёиш, дебат, дискуссия, мунозара, ТВ интервью, эксперт билан интервью, мутахассис билан тажриба алмашиш каби интерфаол методлар қўлланилади.

7-қадам: мавзунини мустаҳкамлаш босқичи ҳисобланиб, талабаларда машғулот давомида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантириш муаммоли таълим методлари, SMART ва SWOT анализ, Case study, лойиҳа методлари орқали амалга оширилади.

8-қадам: хулоса ва баҳолаш босқичи деб номланиб, плакат ва намоёиш тайёрлаш, доклад, протокол методлари орқали олинган хулоса, қабул қилинган қарор ва ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш, визуал тарзда акс эттириш ишларини амалга ошириш орқали мазкур блокга яқун ясалади.

Жараённинг сўнгги босқичи бўлган амалий машғулотлар блоки технологияни яқунловчи 3 қадамдан иборат бўлиб, унда махсус ишлаб чиқилган электрон услубий воситалар асосида ривожлантирувчи тренингларни қўллаган ҳолда талабалар касбий компетентлигини ривожлантирилади.

9-қадам: рефлексия босқичи ҳисобланиб, аввалги мавзу бўйича назарий маълумотларни такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш ишлари савол-жавоб, блиц сўров, БББ методлари орқали амалга оширилади.

10-қадам: амалий машғулотлар блокининг асосий қисми ҳисобланиб, талабалар касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган. Мазкур босқичда, юқорида айтиб ўтилган махсус ишлаб чиқилган электрон услубий воситалар асосида ривожлантирувчи тренинглар ташкил этиш кўзда тутилган.

11-қадам: яқунловчи қисм ҳисобланиб, талабаларнинг фан бўйича эришган ютуқлари, эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда педагогик компетенциялари баҳоланади, тавсиялар берилади. Фаннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда жараённи “Эксперт баҳолаш методи” орқали ташкил этиш самарали эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Инновацион ҳамкорлик муҳитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий педагогик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш, ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2012-2020 йиллар мобайнида қуйидаги амалий босқичларда олиб борилди:

Тайёргарлик ва изланиш босқичи (2012-2013 йиллар). Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдонлари

аниқлаб олинди. Бунда меъёрий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш, касбий компетентлик бўйича педагогик ва психологик адабиётларни таҳлил қилиш, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий педагогик касбий компетентлигини ривожлантиришдаги муаммолар таҳлил қилинди. Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети (105 нафар респондент), Қўқон давлат педагогика институти (108 нафар респондент), Жиззах давлат педагогика институти (102 нафар респондент) ва Наманган давлат университетида (100 нафар респондент) амалга оширилди ва унда жами 415 нафар талабалар иштирок этди.

